ИНДИКАТОРЛИ НОМЛАР

А.А.Эргашев

В статье рассматриваются индикаторы, которые будучи этимологически связаны с этнонимами, являются при этом компонентами топонимов, широко распространенных на территории Андижанского вилоята.

Indicators which are etymologically connected with etnomans, are thus component toponims, widely met in the territory of Andizhan region are considered in the article.

Этнотопонимларнинг ясалиши ва шаклланишида топонимик аниқлагичлар (топонимик индикаторлар, ***индикатор лотинча indikator - аниқлагич, кўрсаткич маъноларини ифодалайди*** [1,34-78-95]) муҳим роль ўйнайди.

Этнотопонимлар муайян объектнинг тур-белгисини билдирувчи қишлоқ, овул, маҳалла, гузар, қўрғон каби махсус ономастик элементлар билан ҳам қўлланади. Шундай қўлланиш Андижон вилояти этнотопонимларига ҳам хос ҳодиса ҳисобланади. Бундай ономастик элементлар билан бирга қўлланувчи этнотопонимлар маълум бир гуруҳни ташкил қилади. Масалан, *Қашқармаҳалла, Қипчоқовул, Қирғизгузар, Қирғизқўрғон, Арабмаҳалла, Арабмозо*р кабилар шулар жумласидандир.

Индикаторлар этнотопонимлар таркибида жуда муҳим ўрин тутади. Чунки этноним топонимик индикатор асосида жой номини англатади, индикаторсиз эса жой номи тарзида ифодаланмайди. Индикаторлар топоним ясашда фаол иштирок этади, лекин ҳамма вақт ҳам шундай эмас. Айрим номлар ҳеч қандай ойконимик индикаторсиз этнотопонимга айланган бўлиб, ҳозирда бу номлар уруғ номини эмас, жой номини англатаётгани учун уларнинг замирида этнотопонимик индикатор йўқ бўлса-да, топоним сифатида тушунилади. Бунга асосий сабаб, ҳозирда шу номдаги этносларнинг йўқлиги ва фақатгина жой номида сақланиб қолганлигидир. Масалан, *Сулдуз, Уйшин, Манғит, Сузоқ, Қашқар, Қипчоқ, Араб, Юз* ва ҳоказо.

Андижон вилояти ҳудудидаги этнотопонимларининг аксарият қисми индикаторлар воситасида ҳосил бўлган. Бундай ойконимик индикаторлар, яъни индикаторли номлар кўп истеъмолда бўлиб, халқ учун ҳам қулай ном ҳисобланади. Эътиборли томони шундан иборатки, ҳозирда сақланиб қолган ва таркибида этнотопонимик индикатор мавжуд бўлган номларнинг иккинчи таркибий қисми ифодаланмаса, топонимнинг этноним маъносини англатиши ёки тушунарсиз маънода қўлланилишига олиб келади.

Этнотопонимлар таркибида келувчи индикаторлар ўзининг маъно англатиш хусусиятларига кўра турлича бўлиб, кишилар гуруҳи ҳамда ифодалайдиган объектнинг характери ва белгисига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Этнонимик индикаторлар: бу типга мансуб индикаторлар этник гуруҳ, эл, қавм, одамлар тўпи, кўплиги каби маъноларни англатади. Буларга уруғ, қабила, элат, жой, қавм, ўрам, тўп, бов (боғ) каби индикаторлар киради. Улар доим этник номлар билан бирга қўлланиб, этнонимларнинг топонимга айланишига ёрдам беради.

Тўп [5,241] ***этноиндикатори.*** Тўп – қишлоқнинг бир бўлаги маъносини ифодалайди. Қадимда қишлоқларнинг кўпчилиги тўпларга бўлиниб, уларнинг таркиби қариндош ҳисобланган бир қанча оилалардан иборат бўлган. Тўп этноиндикатори билан боғлиқ этнотопонимлар Андижон
вилояти ҳудудида ҳам учрайди. Масалан: *Арабтўпи, Бойтўпи, Охунтўпи, Понсодтўпи, Қўқонликтўпи, Тўрамтўпи (Шаҳрихон тумани), Арабтўпи, Хўжатўпи, Хожитўпи, Эшонтўпи, Бойтўпи (Марҳамат тумани), Хўжатўпи (Балиқчи тумани), Эшонтўпи (Андижон тумани), Бектўпи, Татартўпи, Қовоқтўпи, Қоритўпи (Асака тумани)*, *Бойтўпи, Бўритўпи, Қўқонтўпи (Олтинкўл тумани), Қоракўлтўпи (Улуғнор тумани), Назаралитўпи, Мусичатўпи, Муллатўпи, Хўжатўпи (Пахтаобод тумани)* этнотопонимлари шулар жумласидандир. Бундай номлар шу уруғга мансуб бўлган кишиларнинг бир жойда йиғилиб, тўп бўлиб яшаган жойини билдиради. Лекин улар орасида бир-бири билан қариндош бўлмаган оилалар ҳам бор бўлиб, бу ерга кейин кўчиб келган аҳоли ҳам шу ном билан аталаверган.

Бов-боғ [2,35] ***этноиндикатори.*** Этнотопоними таркибида келаётган боғ сўзи уруғ аймоқлар бўлими, боғи, (боғлами) маъноларини англатиб, уйғур уруғларидан бирининг номи ҳисобланади. Андижон вилояти ҳудудида ушбу этноиндикатор асосида ясалган битта топоним билан иккита жойнинг аталиши кузатилди. *Тўққизбоғ (Андижон, Пахтаобод туманлари).*

2. Ойкономик индикторлар. Бу типдаги индикаторлар ўрин-жой ва макон маъносини ифодалайди. Буларга қишлоқ, маҳалла, овул, гузар,

қўрғон, участка, кўча каби индикаторлар киради.

Қишлоқ [6,315] ***ойкоиндикатори:*** Қишлоқ сўзига берилган изоҳда келтирилишича, Қишлоқ - аҳолиси кўпинча қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи пункт, дея тариф берилган. Ҳозирда, бу атама қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) тарзида бир мунча кенг маънода, беш-олти маҳаллалардан иборат жой объекти сифатида қўлланилмоқда.

Бу индикатор воситасида ҳосил бўлган этнотопонимлар кўп бўлмаса-да, ҳудуди ва аҳолиси нуфузи жиҳатидан катта жойларни аташи билан бошқа индикаторлардан фарқ қилади. Масалан; *Арабқишлоқ (Избоскан, Балиқчи, Пахтаобод туманлари), Тожиққишлоқ (Олтинкўл, Андижон, Жалақудуқ, Пахтаобод туманларида), Эшонқишлоқ (Балиқчи тумани), Қашқарқишлоқ (Олтинкўл тумани), Лўлиқишлоқ (Марҳамат тумани)* кабиларни мисол қилишимиз мумкин. Бундай номлар ўша этносга мансуб кишилар яшаган ёки яшаётган жойларни кўрсатади.

Баъзи ҳолларда бу индикатор этник ном билан қўлланмаса-да, унинг борлиги назарда тутилади ва этнос номи асосида ўша этнос яшовчи жой номи тушинилади. Тожик, араб, қашқар номлари билан аталган жой номларини вилоятимиз ҳудудида кўплаб учратиш мумкин. Лекин мисолларда ифодаланган номларни индикаторсиз ифодалаш маъно жиҳатидан ноқулайликни келтириб чиқаради.

Маҳалла [3,572] ***ойкоиндикатори.*** Маҳалла (арабча) шаҳарнинг (ҳозирда қишлоқнинг ҳам) бир неча кўчасини ўз ичига олган бир бўлагини англатади. Бу индикатор орқали ясалган топонимлар вилоят этнотопонимлари таркибининг асосий қисмини ташкил қилади. Масалан, *Корейс маҳалла, Қашқар маҳалла, Турк маҳалла, Тожик маҳалла, Кал маҳалла (Асака тумани), Қашқар маҳалла, Қирғиз маҳалла (Булоқбоши тумани,) Қашқар маҳалла, Татар маҳалла, Эшон маҳалла, Афғон маҳалла (Марҳамат тумани), Қирғиз маҳалла (Избоскан, Қўрғонтепа туманлари), Тожик маҳалла (Балиқчи, Шаҳрихон туманлари)* ва бошқалар.

Овул [4,81] ***ойкоиндикатори.*** Овул сўзи мўғулча “аил” – ўтов, ўтовлар сўзидан келиб чиққан. Кейинчалик эса бу сўз қишлоқ аҳолиси яшайдиган жой маъносида қўлланадиган бўлди. Ҳозирда кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жойга нисбатан ишлатилади.

Андижон вилояти этнотопонимлари орасида ҳам овул индикаторли жой номлари учрайди. Масалан; *Қипчоқовул (Избоскан тумани).*

Қўрғон [6,416] ***ойкоиндикатори.*** Қўрғон - душман ҳужумидан сақланиш учун узоқ муддатли истеҳкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, шаҳар, қалъа ёки дала жойда ва, умуман, шаҳардан ташқарида атрофи девор билан ўралган жой маъноларини англатади. Бу индикатор воситасида ҳосил бўлган этнотопонимлар вилоятимиз ҳудудида жуда кам учрайди. Масалан, *Қирғизқўрғон (Пахтаобод тумани), Қипчоққўрғон (Шаҳрихон тумани)* шулар жумласидандир.

Гузар [2,516] ***ойкоиндикатори.*** Гузар (форс-тожикча) – қишлоқ ёки маҳалаларда одатда кўчаларнинг кесишган ерида, чорраҳаларида жойлашган, чойхоналари, қассоб, баққоллик каби дўконлари бўлган обод, гавжум ва серқатнов жой маъносини ифодалайди. Тўғри, ҳозирда ҳар бир маҳаллада гузарлар ташкил қилинган. Вилоятимиз ҳудудида гузар индикаторли бошқа турдаги топонимлар анча кенг тарқалган, лекин таркибида шу индикатор бўлган биргина этнотопоним учрайди: *Қирғизгузар (Асака тумани).*

Кўча [3,476] ***ойкоиндикатори.*** Кўча (форс-тожикча) аҳоли яшайдиган жойларда йўловчилар ўтиб турадиган, транспорт қатнайдиган йўл ёки яшаш, туриш жойидан ташқари бўлган жой, очиқ майдон.

Кўча ойкоиндикатори билан боғлиқ этноойконимлар ҳозирда вилоят ҳудудида анчагина бўлиб, уларнинг аксарияти жойлардаги топонимик комиссиялар томонидан жойнинг эски номларини тиклаш бўйича берилган таклифлар асосида юзага келган. Масалан: *Уйғур кўчаси, Қирғиз кўчаси* каби.

Булардан ташқари, этнотопонимлар таркибида объектнинг ҳажми, жойлашиш ўрни, масофасига ишора қилувчи, рельеф хусусиятини кўрсатувчи функционал топонимик аниқлагичлар ҳам мавжуд. Улар кўпинча топонимларнинг биринчи қисми сифатида учрайди.

Катта [3,333] ***индикатори.*** Катта сўзи луғатда ҳажм, ўлчам жиҳатидан нисбатан ортиқликни билдирса-да, маҳаллага нисбатан асосийликни англатади. Негаки, кичик кейинчалик каттанинг таркибидан ажралиб чиққан ҳолатлар кўп учрайди. Бу индикатор асосида қуйидаги этнотопонимлар юзага келган: *Катта Найман, Катта Қурама (Андижон тумани), Катта Тожик (Асака тумани), Катта Араб (Балиқчи тумани)* каби. Бундан ташқари, *Чўнгбоғиш, Чўнгқирғиз* этнотопонимлари таркибидаги чўнг сўзи қирғиз тилида катта маъносини англатади.

Кичик [3,378] ***индикатори.*** Кичик сўзи луғатда ҳажми, ўлчами нисбатан катта бўлмаган маъносини берса-да, топонимлар таркибида, кўпинча, янги, яъни кейин пайдо бўлган маъносида ишлатилади. Бу индикатор асосида қуйидаги этнотопонимлар юзага келган: *Кичик Найман (Андижон тумани), Кичик Араб (Балиқчи тумани)* каби.

Юқори [6,97] ***индикатори.*** Юқори сўзи луғатда бирор нарсанинг энг устки қисмида жойлашган, тепадаги, баланддаги, устки маъноларини англатгани ҳолда жойга нисбатан киришдан кейинги қисмида жойлашган маъносини беради.

Бу индикатор асосида қуйидаги этнотопонимлар юзага келган: *Юқори Тувадоқ (Асака тумани), Юқори Қўқонлик, Юқори Чағр (Марҳамат тумани), Юқори Манак* (*Хўжаобод тумани), Юқори Найман (Шаҳрихон тумани)* каби.

Пастки [4,233] ***индикатори.*** Пастки сўзи бирор нарсанинг нисбатан қуйи қисмида жойлашганлигини англатади; жойга нисбатан кириш қисмида жойлашган маъносини беради.

Бу индикатор асосида қуйидаги этнотопонимлар юзага келган: *Пастки Тувадоқ Асака тумани), Пастки Қўқонлик, Пастки Чағр, Паски Шомот (Марҳамат тумани), Пастки Дўрмон (Шаҳрихон тумани)* каби.

Ўрта [6,170] ***индикатори.*** Ўрта сўзи ўлчов, миқдор, вазн ва шу кабиларда ўрта оралиқ вазиятни англатади. Топонимларда қишлоқ ёки маҳалла ўртаси, маркази маъносини ифодалаган ҳолда қуйидаги этнотопонимлар юзага келган: *Ўртатожик (Асака тумани) Ўрта Тумор (Шаҳрихон тумани)* каби. Бундан ташқари, марказий сўзи (индикатори) асосидаги *Марказий Олақанот (Асака тумани)* этнотопоними ҳам марказда, ўртада маъносини ифодалайди.

Ёнбош [3,37] ***индикатори.*** Ёнбош сўзи ён, ён томон, ёнма-ён деган маъноларни анлатади. Ёнбош индикатори асосида қуйидаги этнотопоним юзага келган: *Ёнбош Дўрмон (Шаҳрихон тумани).* Бу ерда ёнма-ён жойлашган маҳалла тарзида ишлатилган.

Дўм [2,674] ***индикатори.*** Дўм сўзи – дўнг тарзида, кўтарилган, баландликда жойлашган маъноларида қўлланилган бўлиб, бу индикатор асосида қуйидаги этнотопоним юзага келган: *Дўмсарой (асли Дўнг Сарой, Балиқчи тумани*) каби.

Чек [4,473] ***индикатори.*** Андижон вилояти учун хос индикаторлардан бўлиб, чек *“бўлиб берилган хусусий ер майдони”* демакдир. Бу индикатор асосида қуйидаги этнотопонимлар пайдо бўлган: *Лўличек (Булоқбоши, Хўжаобод туманлари) Чек Тумор (Шаҳрихон тумани).*

Юқоридаги кузатишларимиздан аён бўлдики, индикаторлар ҳам ўзига хос лисоний хусусиятларга эга бўлиб, Андижон этнотопонимларининг шаклланишида алоҳида ўрин тутади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Андижон этнонимлари ва этнотопонимлари ясалиши ҳамда грамматик тузилиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Топонимлар, хусусан, этнос номи асосидаги жой номлари ҳам тил негизида вужудга келади. Шунинг учун ҳам номларда шу ҳудудда яшовчи халқ тилининг ўзига хос хусусиятлари тўла акс этади. Бу эса топонимика соҳаси бевосита тилшуносликка дахлдорлигини ва унинг таркибий қисми сифатида тадқиқ этиладиган илмий йўналишлардан бири эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. - Наманган: 2006.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008

Андижон давлат университети
2010 йил 20 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. А.Собиров)